

## АРАБ САЙЁҲЛАРИ АСАРЛАРИДА ҚАДИМГИ ХОРАЗМНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТИНИ АКС ЭТИШИ

Тўраев Лазиз Абдивали ўғли

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат шарқшунослик университети  
бўлим бошлиғи Тошкент, Ўзбекистон

ORCID: <https://orcid.org/0000-0003-3666-6229>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13895531>

**Аннотация.** Мазкур мақолада Қадимги Хоразм ўлкасининг хориж сайдоҳлари, хусусан, араб сайёҳ-тарихчиларининг саёҳатномаларида ва кундаликларида келтирилган маълумотлари ҳақида сўз юритилади. Айни пайтда кўплаб зиёратчилар ва сайёҳлар ташириф буюрадиган Хоразм ўлкаси, тарихдан табиий, ижтимоий, маданий, сиёсий жиҳатдан қулай ўлка эканлигини, ўрта аср манбаларидан билши имконини беради.

**Калит сўзлар:** “Ипак йўли”, сайёҳ, боранж, улуғвор шаҳар, жсаннатдаги шаҳар, осойишта ўлка.

**Аннотация.** В данной статье говорится о сведениях, приведенных в путевых заметках и дневниках древнего Хорезма иностранных туристов, в частности арабских туристов-историков. Хорезмская область, которую в настоящее время посещает множество паломников и туристов, представляет собой природный, социальный, культурный и политически благоприятный исторический регион, как видно из средневековых источников.

**Ключевые слова:** «Шелковый путь», турист, боранж, славный город, райский город, мирная земля.

**Abstract.** This article discusses the information provided in the travel notes and diaries of ancient Khorezm by foreign tourists, in particular Arab tourist-historians. The Khorezm region, which is currently visited by many pilgrims and tourists, is a natural, social, cultural and politically favorable historical region, as can be seen from medieval sources.

**Keywords:** "Silk Road", tourist, borange, glorious city, paradise city, peaceful land.

Хоразм ўлкасининг географик жиҳатдан қулай жойда жойлашгани, қолаверса қадимги Хоразм ҳудудидан “Ипак йўли” кесиб ўтганлиги, ўлкада илм-маърифатга катта эътибор қаратган сultonларнинг бўлгани, минтақанинг Шарқдаги илмий-маданий ва савдо марказларидан бири бўлишига катта таъсир кўрсатган.

Кўхна Хоразмнинг тарихи, маданияти, ўлка алломаларининг илмий мероси ниҳоятда бой бўлиб, у жуда кўплаб араб, форс, қадимги хоразм ва туркий тилларда яратилган манбаларда, хусусан, хорижий сайёҳларнинг асарларида ёки кундаликларида турлича маълумотлар берилган. Араб сайёҳлари берган маълумотлар натижасида, Хоразм минтақасининг ўша даврдаги довруғи ва шуҳрати бошқа юртларга ҳам етиб борган.

Хоразм ўлкаси айниқса, ўрта асрларда ислом дини маданий-маърифий ҳаётида юксак мавқега эга бўлган ўлкалардан бирига айланганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Хоразм диёрининг тарихи, унинг шаҳарлари, донишмандлари, мутафаккирлари, хукмронлари, ўлка иқлими, табиати, мевалари ва Хоразм аҳлининг урф-одатлари, қадриятлари, ўзига хос фазилатлари ҳақидаги маълумотларни Ибн Руста, Ал-Яъқубий, Ал-Балазурий, Ибн Хурдодбех, Ибн Фазлан, Ал-Муқаддасий, Ал-Истаҳрий, Ибн Хавкал, Ас-Саолибий, Ас-Самъоний, Ибн ал-Асир, Ёқут ал-Ҳамавий, Гардизий, Қазвиний, Рашидиддин ал-Ватвот, Байҳақий, Ибн Баттута каби араб ва форс илм соҳибларининг

асарларидан олишимиз мумкин. Уларнинг аксарияти Хоразм ўлкасини ўз кўзлари билан кўрган ва билганларини асарлари ва мактубларида ёзиб қолдиришган.

Сайёҳ-тариҳчи ва география билан ҳам шуғулланган араб олими Ал-Муқаддасий (947-990) “Аҳсан ат-тақосийм фи маърифат ал-ақолийм” (Иқлиmlарни ўрганишда энг яхши қўлланма) асарида “Хоразм кўп сонли шаҳарларга эга ажойиб ўлка бўлиб, уй-жойлари-ю, боғу-бўстонларининг чеки йўқ, узумзор, хилма-хил ўсимлик ва дараҳтлари кўп, мева-чевалари сероб ва савдо аҳли учун турли-туман хайрликлар кўп бўлиб, унинг ахлининг зехни ўткир, илм-фанда идрокли, фикҳни яхши эгаллаган, қобилиятли ва ўқимишли кишилардир. Хоразм аҳли адаб ва фикҳ илмида истеъододли эдилар. Мен фикҳ, адаб, Қуръон илмида хоразмлик шогирди бўлмаган имомларни жуда кам учратдим”[1].

Кўп мамлакатларда саёҳатда бўлган араб олими, сайёҳ Ёкут ал-Ҳамавий (1179–1229) ҳам Хоразмнинг мўғуллар истилосига қадар бўлган ўтмиши, унинг аҳолиси, шаҳарлари, маданий ҳаёти ҳақида ўз асарларида маълумотлар беради. Унинг “Муъжам ал-булдон” (Мамлакатлар луғати) асарида 1219 йилда Хоразмда бўлиб турган пайтларида Хоразмнинг Гурганж шаҳри ҳақида илиқ сўзлар битади: “Мен Гурганж каби буюк, бой ва гўзал шаҳарни кўрмадим. Шунингдек, у ерда тинчлик ва хотиржамлик хукм суради”[2].

Форс олими Закариё ал-Қазвений (1203–1283) ўзининг “Осор-ул-билод ва ахбор-ул-ибод” асарида “Машриқда Хоразм деган шаҳар борлиги, Жайхун дарёси бўйида жойлашган катта шаҳар ва аҳолиси жуда кўп эканлигини ҳамда уни жаннатдаги шаҳар ва чимилдиқдаги келинчакни кўриқлагандай, фаришталар кўриқлашини”, эслатиб ўтади[3].

Машхур котиб, шоир ва адаб Рашидиддин ал-Ватвот Хоразм ўлкаси тинч ва осойишта ўлкалигини, шунинг учун ҳам ўзга юртлардан Хоразм ўлкасига кўчиб келувчилар кўп бўлганлигини, кўчиб келганлар орасида машхур адаб ва шоирлар, олимлар борлигини ўз мактубларида таъкидлаб ўтади. Котибининг мактублари орқали ўша даврда Хоразмда яшаган олимлар, шоир ва адиллар ўртасида уюштирилган илмий мунозаралар ўтганлигини ҳам билишимиз мумкин.

Рашидиддин ал-Ватвотнинг “Ар-Расоъил” номли китобида шундай жумлалар мавжуд: “Хоразм ҳар доим олим ва донишмандларнинг саёҳат қиласиган жойи бўлган”[4].

Хоразмнинг гўзал фазилатлари ҳақида ёзувчи Ибн Самақа шундай дейди: “Хоразм, мисоли бутун ўлкаларда учрамайдиган фазилатларга, шаҳарлар ичра, ундан бошқасида топилмайдиган макталган сифатларга эгадир. У ислом оламидаги олди шаҳарлардандир”[5].

Хоразмнинг мевалари ва ўсимларни ҳақида Андалузиялик араб сайёҳи Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080 - 1168) ўзининг “Тухфат ал-албоб ва нухбат ал-аъжоб” (Оқиллар тухфаси ва ажойиботлар сараси) асарида Хоразмда мен ўзим зиёрат қилган ҳеч бир ўлкада кўрмаган мевалар ўсади. Унинг аҳли эса - фозил олимлару шоирлар ва олижаноб кишилардир”[6].

Хоразмнинг жуда ширин қовунлари тўғрисида Нишопурлик Абу Мансур ас-Саолибий (961—1038) ва араб сайёҳи Танжалик Ибн Баттуталар (1304-1369) ўз асарларида маълумотлар бериб ўтишган. Ас-Саолибий Хоразмнинг боранж номли қовуни жуда машхур эканлигини таъкидлайди. Олим бу қовунни халифа Ал-Маъмун ва Ал-Восиқларга юборишгани, улар яхши сақланган ҳолда етиб борса халифалар уларни етти юз дирҳамгача сотиб олишгани тўғрисидаги маълумотларни беради. Бу эса ўлканинг унумдор ерларга эга эканлигини кўрсатади.

Ибн Баттута ўз саёҳатномасида шундай жумлаларни келтирган: “Саҳрони кесиб ўтиб, Хоразмга келдик. Туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор ушбу шаҳрида

ажойиб бозорлар, кўпдан кўп иморатлар, жозибадор ва кўркам жойлар бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, унинг ахолиси шунчалик кўпки, мавжланиб турган денгизни эслатади. Бутун дунё бўйлаб қилган сайёхатим мобайнида мен хоразмликлардек хушхулқ, олийжаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим”[7]. Араб сайёхининг ушбу сўзлари қадимги Хоразмнинг ўз даврининг саёҳатчилари учун ҳамда ўша даврдаги туризм ривожланган ўлкалардан бири бўлганлигиган далолат беради.

Юқоридаги манбаларда келтирилган маълумотлар, Хоразм элида деҳқончилик, боғдорчилик, савдо-сотик, маданият ва ижтимоий соҳаларнинг жадал тарзда ривожланганини кўрсатиб беради. Айниқса, Хоразмнинг йирик маданият марказига айланганини ўша заминда туғилган буюк алломаларнинг илмий фаолиятларидан ташқари, Хоразмга сайёҳ сифатида келган, хориж сайёҳларининг ҳам фаолиятлари билан боғлаш мумкин. Шунингдек, Хоразмдаги тарихий жойлар, обод масканлар, зиёратгоҳлар, табиати, иқлими, ажойиб мевалари ва полиз экинларининг машхурлиги ўз даврининг саёҳат қилиш мумкин бўлган марказлардан бири бўлганлигини кўрсатади. Мазкур ўлка туризм ривожланган ва энг кўп саёҳатчilar ташриф буорадиган ўлкалардан эканлигига айни пайтда ҳам жуда кўп зиёратчilarнинг келаётганлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

## REFERENCES

1. عبد الله محمد بن أحمد المقدسي. أحسن التقاسيم في معرفة الأقاليم. ص-284.-285.
2. ياقوت بن عبد الله الحموي. معجم البلدان. 4-ج. ص-452.
3. زكريا بن محمد بن محمود الفزوياني. آثار البلاد وأخبار العباد. الناشر: دار صادر – بيروت. ج-1. ص-519.
4. رشيد الدين الوطواط. مجموعة رسائل. مصر. ج-1. 1315هـ. ص-66.
5. Маҳмуд Замахшарий. “Рабиъ ул-аброр” асари қўллёзмаси. Ўзр ФА ШИ. Қ.№ 2384. 326-33а саҳифа.
6. Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари. // Шарқ юлдузи. 1991, № 2.
7. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи. – 1993, 58-б.